

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА МАХБУБА ТОЙЧИЕВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ
(Ўзбекистон Республикаси мисолида)**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of the Doctoral (Doctor of Science) Dissertation Abstract

Алиева Махбуба Тойчиевна

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида) 3

Алиева Махбуба Тойчиевна

Экономические аспекты управления сферой туристических услуг в условиях либерализации экономики (на примере Республики Узбекистан)..... 37

Alieva Makhbuba Toychievna

Economic aspects of tourism services management in the conditions of economic liberalization (on the example of the Republic of Uzbekistan) 69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 73

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА МАХБУБА ТОЙЧИЕВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ
(Ўзбекистон Республикаси мисолида)**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссияси томонидан В2019.2.DSc/Iqt198 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Гулямов Саидахроп Саидахмедович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Турсунхаджаев Марат Лутфуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алимова Машхура Тоирхоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунини тарқатилди
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

Н.Э.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

М.М. Муҳаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, унинг “жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улуши 10,0 фоизни ташкил этади. Шунингдек, яратилаётган иш ўринларининг ҳар еттинчиси туризм соҳасига тўғри келади”¹. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) прогнозларига кўра, 2020 йилга бориб, халқаро туристлар сони 1,6 млрд. кишини ташкил қилади.

Иқтисодиётнинг бу соҳаси тез суръатлар билан ривожланмоқда ва яқин йиллар ичида у энг муҳим соҳага айланади. “Туризм соҳасига инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 30% ни ташкил қилади”². Халқаро туризм аҳоли бандлигини таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатади ва чет эл валютаси келишининг фаол манбаи сифатида мамлакат ташқи савдо тўлов баланси, миллий иқтисодиётгагина эмас, уларнинг ижтимоий, маданий, экологик муҳитига ҳам таъсир этади.

БТТ давлатларда туризм салоҳиятини ошириш, янги туристик хизматларни таклиф этиш, янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш, туризм географиясини янада кенгайтириш, ЯИМдаги улушини ошириш ҳамда туризмни рентабелли соҳалардан бирига айлантириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Шунингдек, жаҳонда туризм хизматлари бозорини бошқаришни илмий асосда ташкил этиш, уни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, туристик корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва истиқболини баҳолашга эътибор кучайтирилмоқда. Туристик корхоналарни бошқаришни инновацион асосда ташкил этиш, бошқарув самарадорлигини таъминлаш, бошқарув тизимига таъсир кўрсатувчи омиллар таъсирини баҳолаш бугунги кундаги энг муҳим долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасини, хусусан, туристик хизматлар ҳажмини ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Чунончи, туристик хизматлар сифатини ошириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар ва янги талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Миллий туризмнинг ривожланишига ҳамда хорижий туристлар оқимини кўпайтиришга ва туризм хизматлари экспортини кенгайтиришга, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини оширишга, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сонининг кўпайишига ҳамда уларда бошқарувнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишга катта аҳамият берилмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда бу борада муайян тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижросини таъминлаш саъй-ҳаракатлари тобора кучайтирилмоқда.

¹<http://vawilon.ru/statistika-v-turizme/>.

²www.unvto.

Бу жараёнда, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш»³ муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши эса туристик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро тажрибалар ва тамойиллар асосида миллий туризм тармоғини бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда интеграл кўрсаткичларини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Булардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ва унинг ҳудудларида туризм хизматлари бозорини ривожлантириш, туризм индустриясини замонавий менежмент тамойиллари ва усуллари асосида бошқаришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4861-сонли фармони, 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3217-сонли қарори, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармони, 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3509-сонли, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3514-сонли, 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4095-сонли қарорларига таянилмоқда. Уларда, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.”Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Туризм соҳасини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ва оптимал

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли фармони. //Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Stenford University, Prinсton University (АҚШ), Harvard University (АҚШ), Cambridge University (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), Korea Development Institute (Жанубий Корея), Gazi University (Туркия), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети веб-саҳифалари ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

бошқариш стратегиясини шакллантириш, унинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, тизим бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stanford University, Princeton University, Harvard University (АҚШ), Cambridge University (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Korea Development Institute (Жанубий Корея), Tailors University (Малайзия), Gazi University (Туркия), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд давлат университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Бухоро давлат университети, Урганч давлат университетиди (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Туризм соҳасини ривожлантириш, уни бошқаришнинг инновацион стратегиясини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: туристик фаолиятнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш механизми ишлаб чиқилган, туристик компаниялар фаолияти самарадорлигини интеграл баҳолаш услуги такомиллаштирилган, тизим бошқарувини оптималлаштириш учун зарур ташкилий ўзгаришларнинг таъсири баҳоланган (Stanford University, Harvard University, Massachusetts Institute of Technology – АҚШ; University of Munster – Германия); туризм хизматларини кўрсатишда халқаро стандартлардан фойдаланиш, туристларнинг талабларини кондириш жиҳатлари асосланган (Korea Development Institute – Жанубий Корея); туризм соҳасидаги жами даромадлар ва ЯИМ ҳажмининг ўзгариш тенденциялари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган (Gazi University – Туркия), туризмнинг мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиётига ижтимоий-иқтисодий таъсири, туризмни ривожлантиришнинг назарий ва услубий жиҳатлари асосланган (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети – Ўзбекистон).

Жаҳонда туристик хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш, соҳани ривожлантириш ва уни бошқариш стратегиясини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: минтақаларда туризм тармоғида замонавий менежмент усулларини қўллаган ҳолда туристик хизматлар самарадорлигини ошириш услубиятини такомиллаштириш; туризм хизматларини стандартлаштириш ва сифатини ошириш учун жаҳон андозаларига мос таснифларни амалга ошириш; туризм инфратузилмасини такомиллаштириш; туристларни жалб этишнинг инновацион стратегияларини ривожлантириш; стратегик менежмент услубларидан самарали фойдаланиш ва ҳ.клар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий адабиётларда туристик хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш, соҳани ривожлантириш ва уни бошқариш стратегиясини такомиллаштиришнинг турли жабҳаларига хос назарий ва методологик масалалар ўрганилган. Бу борада олимлардан Г.Харрис, Р.Кац, С.Акис, А.Атияман, С.Бриггс, К.Райан,

Д.Ландберг, М.Кришнамурти, Ч.Гии, Ж.Макенс, Д.Чей кабиларнинг⁵ илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу олимларнинг тадқиқотларида туризмнинг назарий жиҳатлари, ривожланиш тарихи, эволюцияси, тамойиллари ҳамда ҳозирги шароитда туризмнинг хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрни, туризм инфратузилмаси каби масалаларга катта эътибор қаратилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида туризм соҳасининг бошқаруви муаммоларига А.Ю.Александрова, И.Т.Балабанов, М.Б.Биржаков, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, М.Н.Дмитриев, Л.В.Баумгартен, А.М.Ветитнев, Л.Б.Журавлева, А.В.Борисова, Д.С.Ушаков, М.А.Жукова кабиларнинг⁶ илмий тадқиқот ишлари бағишланган. МДХ олимларининг бу ишларида туризм индустриясини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ва бошқариш жиҳатлари, унинг тартиб - тамойиллари турли мамлакатлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, А.Ф.Саидов, Қ.Х.Абдурахманов, Н.Т.Тўхлиев, М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, Қ.Ж.Мирзаев, Д.Х.Асланова, Б.Наврўз-зода, О.М.Пардаев, М.Т.Алимова, А.А.Эштаев, Б.Ҳ.Тўраев, О.Ҳ.Хамидов, Б.Ш.Сафаров, Н.М.Абдусаломова, А.Н.Норчаев, Н.С.Ибрагимов, О.К.Ким, Б.Ю.Мирбабаев, С.С.Рўзиев, Н.Э.Ибадуллаев, Ҳ.А.Раҳимов каби олимларнинг илмий ишларида⁷ менежмент, туризм соҳасида бошқарув

⁵Харрис Г., Кац Р. Становление международного туризма в XXI веке. - М.: Финансы и статистика, 2006.; Akis.S.(1998): Acompact Econometric Model of Tourism Demand for Turkey, Tourism.; Athiyaman, A. (1997): Knowledge Development in Tourism: Tourism Demand Reserch, Tourism Management; Сьюзен Бриггс. Маркетинг в туризме. - К.: Знания-пресс, 2005. - 358 с.; Chris Ryan. Recreational Tourism: Demand and Impacts / Channel View Publications, 2003. - 358 p.; Lundberg D., Krishnamurthy M. - Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Ine. 2003. -210 p.; Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey, D. The Travel Industry. 3d. Wdit. -New York John Wiley Sons Ine. 2003. -250 p.

⁶Александрова А. Ю. Международный туризм. Учебное пособие для вузов. - М.: Аспект Пресс, 2001.- 464 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. - Издание 9-е переработанное и дополненное. - СПб.: «Издательский дом Герда», 2007. -576 с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4-е изд., стереотип. - Минск: Новое знание, 2004. - 409 с.; Квартальнов В.А. Туризм: история и современность: Избранные произведения: В 4-х т. -М.: Финансы и статистика, 2002. - 499 с.; М.Н.Дмитриев, М.Н.Забаева, Е.Н.Малыгина. Экономик туристского рынка: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлениям сервиса и туризма / -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. - 311 с.; Л.В.Баумгартен. Управление качеством в туризме. Практикум: учебное пособие / -М.: КНОРУС, 2008. - 288 с.; А.М. Ветитнев, Л.Б. Журавлева. Курортное дело: учебное пособие/. -М.: КНОРУС, 2006. 528с.; А.В.Борисова. Курортное дело и оздоровительный туризм: учебное пособие / - Ярославл: ЯрГУ, 2009. - 114 с.; Д.С.Ушаков. Экономика туристской отрасли: учебное пособие / - Ростов на Дону: «МарТ»; Феникс, 2010. - 446 с.; Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2006. - 160 с.

⁷Тулямов С.С., Жумаев Н.Х.,Рахманов Д.А.,Тошходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги.Монография. - Т.: IQTISODIYOT,2019. - 203б.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом республики Узбекистан: -док. дисс.автореф.,1994.-36с.; Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. - Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.- Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.-2006. -367 с.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. - Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б.; Мухаммедов ва бошқалар «Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари» -С.: Зарафшон 2007. - 299 б.; Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик.-Т.: Фан ва технология, 2014.- 332 б.; Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж., Султонов. Ш.А, Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув кўлланма.Т.: Фан ва технология, 2018. - 296 бет.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. - С: 4-9; Б.Н.Наврўз-зода,

тизими ва самарадорлиги, Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш муаммолари ва меҳмондўстлик индустрияси, бошқариш назарияси ва амалиёти, ҳудудларнинг салоҳияти ва уларни ривожлантириш каби масалаларга кенг эътибор қаратилган.

Юқоридаги номлари зикр этилган иқтисодчи олимлар ўз ишлари орқали туризм салоҳиятининг самарадорлигини янада ошириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, республикамизда туризмни бошқариш ва менежмент фанини такомиллаштиришга етарлича ҳисса қўшганлар. Аммо улар томонидан туризм соҳасини инновацион бошқариш, ҳудудлар миқёсида туризмни ривожлантириш, туризм хизматлари бозори самарадорлигини ошириш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Шу туфайли иқтисодиёт янгиланаётган ҳозирги шароитда мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида туризм хизматлари бозорини ривожлантириш ва уни инновацион асосда ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш, бошқарувни такомиллаштириш, соҳа самарадорлигини ошириш билан боғлиқ омилларни комплекс баҳолаш ҳамда ҳудудлар даражасида туризм инфратузилмасини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур диссертация мавзуси айнан шу жиҳатлардан келиб чиқиб танланди ва унинг мақсади ҳамда вазифалар шакллантирилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда туристик ва меҳмонхона хизматларини инновацион ривожлантиришда халқаро ISO стандартларидан

Н.С.Ибрагимов, З.Б.Навруз-зода, Ш.Б.Навруз-зода. Туристик ҳудуд ракобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2017 - 156 б.; Пардаев О.М. Менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технология, 2019. – 248б.; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Doctor of science диссертация автореферати –Самарқанд. 2019. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма:-док.дисс. автореф., 2011.–38 с.; Хамидов О. Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана: канд. дисс. автореф, 2006-22 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - С.: СамИСИ, 2016. - 254 б.; Абдусаломова Н.М. Халқаро туризмда маркетинг жараёнининг ривожланиши: номзод. дисс.автореф., 2001.-22 б; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида): иқт.фан.номз. дисс. - Т., 2004. - 136 б.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш.– Номзод..дисс.автореф, 2008.–23 б; Ким О.К. Маркетинг туристских гостиничных услуг. – канд. дисс.автореф, 1999.-21 с.; Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмда маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. – номзод.. дисс.автореф., 2008.–23 б; Рўзиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари: –номзод.дисс. автореф.2009.–21б.; Ибадуллаев Н.Э. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). – Иқт.фан.дисс.автореф. – Самарқанд, 2010. Рахимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни баҳолаш ва таҳлил қилишни такомиллаштириш.- иқтисодиёт фанларидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – 2018. – 62 б.; Рахимов Ҳ.А.Туризм ва меҳмонхона хўжалигида самарадорликни оширишнинг назарияси ва методологик масалалари. Монография. –Т.:Иқтисод-молия, – Т.: 2017.–2006.

фойдаланиш” мавзусидаги ИОТ–2014–1–11-рақамли инновацион лойиҳа (2014–2015 й) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш шароитида туризм хизматлари соҳаси самарадорлигини ошириш ва уни бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий иқтисодиёт таркибида туристик индустриянинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, бошқарувнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш;

республиканинг туристик ресурслари салоҳиятидан комплекс фойдаланиш асосида туристик индустриянинг ривожланиш ҳолати, тенденциялари ҳамда уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш;

халқаро тажрибалар асосида маҳаллий туристик компаниялар самарадорлигини ошириш, туристик хизматлар сифатини яхшилаш ва замонавий менежментни жорий этиш тамойиллари ҳамда услубларини такомиллаштириш;

республика ва минтақаларнинг ресурс салоҳиятидан комплекс фойдаланиб, туризм индустриясини янада ривожлантириш имкониятларини интеграл кўрсаткичлар орқали баҳолаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида туристик хизматларни кўрсатиш ҳолати ва динамикасини таҳлил этиш ҳамда истиқболдаги ривожланиши бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида туристик хизматлар самарадорлигини ошириш ва бошқарувини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш;

туристик хизматларни етказиб берувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тузилмасини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

республика ва минтақаларнинг туристик ресурслар салоҳиятидан комплекс фойдаланиб, туризм индустриясини янада ривожлантириш имкониятларини интеграл баҳолаш;

глобаллашув шароитида маҳаллий ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, туризм хизматларини диверсификация қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида туризм хизматларини бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш;

туризм хизматлари самарадорлиги ва уни бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларга таъсир қилувчи омилларни эконометрик моделлар асосида таҳлил этиш;

миллий туризм тармоғини ҳудудларда ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ва унинг бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳаси олинган. Бу борадаги айрим тадқиқотлар Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида туризм хизматлари билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида туризм хизматлар соҳасини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ва бошқаришнинг иқтисодий жиҳатларини баҳолаш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон, тизимли ёндашув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, математик ва статистик, социологик сўров, статистик гуруҳлаш, моделлаштириш, SWOT-таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туризм хизматлари соҳасини бошқариш миллий туристик ресурслар салоҳиятидан комплекс фойдаланиш, ҳудудларда туристик индустрияни инновацион ривожлантиришга имкон яратувчи вертикал интеграциялашнинг мувозанатлашган стратегиясини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

маҳаллий туристик компанияларда ягона бошқарув сифати (Total Quality Management) хизмат кўрсатишнинг сифат назорати, мутахассисларнинг малакаси ва истеъмолчининг қониқиш даражасини “туташ нуқта” сифатида белгилаш орқали такомиллаштирилган;

мамлакат ва ҳудудларнинг ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини баҳоловчи туристик компаниялар соф фойдаси, жалб этилган инвестициялар самарадорлиги, фойданинг ички меъёри кўрсаткичлари туризм хизматлари соҳасини бошқариш самарадорлиги кўрсаткичларини интеграллаш асосида такомиллаштирилган;

Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида туристик хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, рағбатлантириш ва сифатини оширишга йўналтирилган менежмент стратегияси миллий туристик марказлар фаолияти ва туристик оқимларни координациялаш, бошқарув қарорлари самарадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

туризм соҳасини стратегик ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда репрезентатив танлама кузатув маълумотларига асосланган регрессион моделлар ёрдамида 2021 йилга қадар Ўзбекистонда туристик хизматлар соҳаси ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳудудларда туристик индустрияни инновацион ривожлантиришга имкон яратувчи вертикал интеграциялашнинг мувозанатлашган стратегияси ишлаб чиқилган;

маҳаллий туристик компанияларда ягона бошқарув сифатини ошириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

туристик компаниялар молиявий кўрсаткичлари туризм хизматлари соҳасини бошқариш самарадорлиги кўрсаткичлари билан уйғунлашган ҳолда асослаб берилган;

ҳудудлардаги туристик марказлар фаолияти ва бошқарув қарорларининг самарадорлигини таъминлаш туристик хизматларни мақсадли ташкил этиш, рағбатлантириш ва сифатини оширишга йўналтирилган менежмент стратегияси асосида баҳоланган;

туризм соҳасини стратегик ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базаси расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари манбаларидан олингани, тегишли хулоса ва таклифлар амалда синовдан ўтказилганлиги, натижалар ваколати давлат органлари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлар соҳасини бошқаришга ва республикамизда туризм индустрияси самарали фаолият олиб боришига, миллий туризм маҳсулотининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини бошқарув стратегиялари асосида таъминлашга қаратилганлиги билан изоҳланади. Бу натижалардан Ўзбекистон Республикасининг туризм хизматлари соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда, бошқарув тизимида самарадорликни оширишда, туризм хизматлари соҳасида молиявий-хўжалик фаолиятни таҳлил қилишда қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил қилишда кенг фойдаланиш мумкинлиги эса уларнинг илмий аҳамиятини янада оширади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларга асосан ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада туризм хизматлари соҳасини бошқариш бўйича дастурий ҳужжатларни, тармоқни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора – тадбирларни, ҳудудлардаги туристик фаолият билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Туризм: назария ва амалиёт”, “Халқаро туризм”, “Туризм иқтисодиёти”, “Туризм менежменти”, “Туризм инфратузилмаси”, “Туризмни режалаштириш”, “Туризм бозори менежменти” каби фанлардан ўқув дастурлари, қўлланмалари, дарсликлар тайёрлашда услубий манба сифатида фойдаланилиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий туризм хизматлари бозорини бошқаришнинг илмий-методологик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туризм хизматлари соҳасини бошқариш миллий туристик ресурслар салоҳиятидан комплекс фойдаланиш, ҳудудларда туристик индустрияни инновацион ривожлантиришга имкон яратувчи вертикал интеграциялашнинг мувозанатлашган стратегиясини қўллаш асосида такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 февралдаги 05-22/727-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши қўмита тасарруфидаги туристик корхоналарда ресурслар салоҳиятидан комплекс фойдаланиш, туристик марказларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳамда туризм хизматлари бозорини такомиллаштиришга хизмат қилган;

маҳаллий туристик компанияларда ягона бошқарув сифати (Total Quality Management)ни хизмат кўрсатишнинг сифат назорати, мутахассисларнинг малакаси ва истеъмолчининг қониқиш даражасини “туташ нуқта” сифатида белгилаш орқали такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 февралдаги 05-22/727-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши бошқарувнинг самарадорлигини ошириш, асосий кўрсаткичларини тизимлаштириш, рағбатлантириш тамойилларини такомиллашув имконини берган;

мамлакат ва ҳудудларнинг ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини баҳоловчи туристик компаниялар соф фойдаси, жалб этилган инвестициялар самарадорлиги, фойданинг ички меъёри кўрсаткичлари туризм хизматлари соҳасини бошқариш самарадорлиги кўрсаткичларини интеграллаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 февралдаги 05-22/727-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши қўмита тасарруфидаги туристик корхоналарда минтақаларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, туризм соҳаси бўйича самарали қарорлар қабул қилиш имкониятларини 10,0 фоизга кенгайтирган;

Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида туристик хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, рағбатлантириш ва сифатини оширишга йўналтирилган менежмент стратегияси миллий туристик марказлар фаолияти ва туристик оқимларни координациялаш, бошқарув қарорлари самарадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 февралдаги 05-22/727-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлардан туризм марказларини оптималлаштириш ва туристик оқимларни координациялаш, бошқаришда қарорларни бажаришнинг “Йўл харита”сини тузишда фойдаланилган;

туризм соҳасини стратегик ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда репрезентатив танлама кузатув маълумотларига асосланган регрессион моделлар ёрдамида ишлаб чиқилган 2021 йилга қадар Ўзбекистонда туристик хизматлар соҳаси ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 февралдаги 05-22/727-сонли маълумотномаси). Мазкур прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш натижасида республика иқтисодиётида туристик хизматлар кўрсатиш салмоғини ошириш, туризмнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш, тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаштириш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та (шу жумладан, 12 та халқаро ва 15 та республика) илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр қилинган. Уларнинг 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган мақолалардир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳажми 244 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Туристтик хизматлар кўрсатувчи соҳани бошқаришнинг назарий-услубий масалалари”**га бағишланган. Мазкур бобда хизмат кўрсатиш соҳасида туризмнинг ўрни ва уни бошқаришнинг назарий масалалари, туризм тармоғининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимизнинг туристик ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва туризм индустриясини комплекс ривожлантириш йўналишлари, хорижий давлатларда туризмни ривожлантириш ва замонавий бошқарув тизими ва уларнинг мамлакатимиз амалиётида жорий этилиши тадқиқ қилинган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви кучайиб бораётган бир даврда «туризм» тушунчасининг моҳиятини тўғри талқин этиш ва унинг мазмунини тўғри англаб этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида “туризм” тушунчасига қуйидаги тарзда таъриф берилган: «Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)»⁸.

Бу борада хорижий ва маҳаллий олимларнинг қарашлари турлича. Хусусан А.Ю.Александрова «Кишиларнинг доимий турар жойлари ва ишларидан фарқланувчи жойларга етиб келиши ва жойлашиши вақтида юзага келадиган муносабатлар ва ҳодисалар йиғиндиси туризмдир»⁹, –деб таъкидлаган бўлса, Ю.В.Тишуков эса «Туризм–мамлакат фуқаролари, хорижлик фуқаролар ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг доимий турар-жойларидан соғломлаштириш, танишиш, касбий-ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда вақтинча яшаб турган мамлакатдаги ҳақ тўланадиган фаолият билан банд бўлмаган ҳолда вақтинчалик саёҳатлардир»¹⁰, – деган фикрни билдирган.

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим хорижий ва маҳаллий олимлар туризмни алоҳида тармоқ, туристик индустрия сифатида ҳам тан олишмоқда.

Булардан бири, Ю.В.Тишуков ўз қарашларида «Туризм индустрияси –бу меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, дам олиш объектлари ва воситалари, танишиш, ишбилармонлик, соғломлаштириш, спорт ва бошқа мақсадлардаги объектлар, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматини намоён этувчи ташкилотлар тўпламидир», деб эътироф этмоқда. Бундан фаркли ўлароқ, М.Б.Биржаков эса, «Туристик хизмат– туризм мақсадлари, туристик хизматнинг йўналиши ва табиати, туристик маҳсулотга жавоб берувчи, умуминсоний ахлоқ ва тартиб тамойилларига мос келувчи экскурсант ёки туристнинг эҳтиёжларини таъминлаш ва қаноатлантиришга йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳасидаги мақсадларга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисидир»¹¹ дея қайд этади.

Ушбу қарашларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ушбу тушунчани қуйидагича изоҳлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик: **Туризм – кишилар ўзларининг доимий турар-жойларидан бирон бир мамлакатга вақтинчалик ёки ўз мамлакати**

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. //Халқ сўзи. 1999 йил 21 август

⁹ Александрова А.Ю. Международный туризм. –Москва: Аспект Пресс., 2001. 12-б.

¹⁰ Тишуков Ю.В. Потребитель на рынке туристических услуг. –Ростов- на - Дону: Феникс, 2007.4-б.

¹¹ Биржаков М.Б. Туристические услуги, работы, товары. –Москва –Санкт -Петербург.: Издательство «Невский фонд». «Издательский дом Герда», 2003.108-б.

худудидан бошқа бирон бир жойга бўш вақтида роҳатланиш ва хордик чиқариш, соғлиғини мустаҳкамлаш, танишиш ёки касбий-ишбилармонлик мақсадларида, лекин, етиб келган жойида ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган ҳолда вақтинча жойлашиши демакдир. Бинобарин, туризм – кишиларнинг доимий ёки узоқ муддатли турар жойи ҳисобланмайдиган ва уларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган жойларга сафарига тааллуқли муносабатлар, алоқа ва ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади. Биз туризм индустриясини меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш масканлари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш шаҳобчалари, дам олиш объектлари ва воситалари, ишбилармонлик, соғломлаштириш, спорт ва бошқа мақсаддаги объектлар, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматларини намоён этувчи ташкилотлар йиғиндиси сифатида эътироф этган ҳолда, юқорида берилган таърифларга қўшиламиз.


Туризм, умуман, давлат иқтисодиётига уч хил йўналишда ижобий таъсир қилади: чет эллик туристлар оқимини таъминлайди ва тўлов баланси ҳамда хизматлар экспорти каби иқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир этади; аҳоли бандлигини оширишга ёрдам беради; мамлакатда инфратузилманинг ривожланишига кўмаклашади.

Туризм – дам олиш, бўш вақт, спорт ва маданият ва табиат билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган фаолиятдир. Туризм мустақил билим орттириш, халқлар ва маданиятлар ўртасидаги хилма-хилликни билиш ва толерантлик омилига айланмоқда.

Интеграция хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ресурсларни тақсимлаш, капитални бирлаштириш ва бошқалар (мамлакатлар даражасида ҳам, компаниялар орасида ҳам)ни ифодалайди. Технологик жараённинг бир босқичида жойлашган туристик корхоналар бир хил маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизматларни тақдим этиш, харажатларни камайтириш, етказиб бериш ёки сотиш ҳажмини ошириш, рақобатни чеклаш ёки йўқ қилиш учун бирлаштирилади. Ҳар бир корхона мустақил равишда фаолият юритиш учун таваккал қилишдан қўрқадиган ёки бошқа корхоналар билан иттифоқ тузишни ўзи учун катта фойда деб билади.

Туризм соҳасида вертикал интеграция горизонтал интеграциядан ажралиб туриши керак. Бу соҳанинг ривожланишида юқори самара беради.

Вертикал интеграция янги тузилмаларни қўшиш, кенгайтириш ҳамда янги фаолиятнинг кашф этилишини ифодалайди. Масалан, туроператор ўз агентлигини тузади, кейинчалик меҳмонхоналар, ресторанлар қуради, ўз авиакомпаниясини очади. Жаҳон амалиётида вертикал интеграция кенг тарқалган, аммо бу фақат капитал ва айланма маблағларнинг маълум бир даражасига эришилганда мумкин бўлади (1-расм).



1-расм . Туристтик хизматларни бошқаришдаги вертикал интеграция¹²

Горизонтал интеграция корхоналар уюшмаси, улар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, корхоналарнинг қўшма фаолият олиб бориб, бир хил маҳсулотни ишлаб чиқариш ва шунга ўхшаш технологияларни ишга солишни, шунингдек янги маршрутлар, йўналишларни очиш, туризм ва хизматларнинг янги турларини ривожлантириш (биринчи босқич); шунга ўхшаш фаолият билан шуғулланадиган филиалларни очиш, рақобатчиларни сотиб олиш, йирик уюшмалар ва корпорацияларни шакллантириш (иккинчи даражали)ни ифодалайди.

Туризм тармоғи корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш, уларда инновацион ишланмаларни жорий қилиш, хизматлар сифатини ва самарадорликни ошириш учун вертикал ва горизонтал интеграциялаш стратегиясини қўллаш таклиф этилади. Вертикал интеграциялаш фирмаларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва хизматларни диверсификациялаш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида ҳам туризм устувор соҳа деб белгиланган. Ушбу стратегия туризм соҳасида давлат сиёсати, замонавий рақобатбардош миллий туризм саноати шаклланишининг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини яратишни назарда тутди. Айтиш жоизки, сўнгги ўн йил давомида шаҳар сайёҳлиги ва айниқса, шаҳар маданий обидаларини томоша қилиш учун уюштирилладиган сайёҳлик Европадаги давлат ва хусусий сайёҳлик ташкилотлари, маданият муассасалари учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган соҳалардан бирига айланди. Шу боис Европа сайёҳлик комиссияси (ЕСК) ва БТТ Европа шаҳарларидаги маданий обидаларини кўриш ва дам олиш учун уюштирилладиган сайёҳликни ўрганишга катта эътибор қаратмоқда. Тадқиқотда ЕСК томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ўрганилиб, республикамиз учун туристик тармоқ ҳудудий жойлашиши ва тараққий этиши учун назарий ва услубий ишланмалар таклиф этилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм индустрияси жадал ривожланиб бормоқда. Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчи туристлар сони 2018 йилда 2010 йилдагига нисбатан 1809450 кишига (206,8 %) ошган. Уларнинг асосий қисми туризм индустриясига, айнан меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларига тўғри келган. Ушбу йилларда бу кўрсаткич мос равишда 55,9 % (716319 киши) ва 60,7 % (1377145 киши) ни ташкил этган. 2018 йилда 2010

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

йилдагига нисбатан 1178624 кишига ёки 224,4 % га кўпайган. Шунингдек, ушбу йилларда республикамизга кириб келган ва республикадан ташқарига чиққан сайёҳлар сони мос равишда 621633 кишига (207,3 %) (меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларига ушбу йилларда мос равишда 64,9 % ва 77,7 % тўғри келган ёки 2018 йилда 2010 йилдагига нисбатан 247,9 %га ўсган) ва 16800 кишига (190,4 %) кўпайган. Тегишли кўрсаткичлар ички туризм соҳасида ҳам таҳлил қилинаётган йилларда 1186174 кишига (205,2 %) ўсганлигини (меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларига ушбу йилларда мос равишда 51,9 % ва 52,9 % тўғри келган ёки 2018 йилда 2010 йилдагига нисбатан 208,9 %га ўсган) кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда туризм индустриясининг асосий кўрсаткичлари¹³

Кўрсаткичлар номи	2010 й.	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони, киши	1693621	2192591	2342247	2601607	3031859	3503071
Шундан: туристик фирмалар ва ташкилотлар	363300	511596*	514107*	465403*	669982*	713167*
Меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари	947302	1189593	1271951	1513080	1714160	2125926
Санатория ва курорт муассасалари	237297	275682	291602	334791	355671	426571
Дам олиш ташкилотлари	142157	210435	256773	283354	286152	232118
Туристтик базалар томонидан	3565	5285	7814	4979	5894	5289
Кириш туризми	579102	704671	701028	661519	806327	1200735
Шундан: туристик фирмалар ва ташкилотлар	197886	231120	227475	152616	167394	224796
Меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари	376183	462062	464436	499146	615865	932602
Санатория ва курорт корхоналари	1964	6822	3669	5246	8502	17481
Дам олиш ташкилотлари	1600	1296	1572	2072	11781	21614
Туристтик базалар томонидан	1469	3371	3876	2439	2785	4242
Чиқиш туризми	15181	21516	35917	34088	36045	31981
Шундан: туристик фирмалар ва ташкилотлар	15181	21516	35917	34088	36045	31981
Ички туризм	1099338	1440312	1571464	1871709	2145879	2255512
Шундан: туристик фирмалар ва ташкилотлар	150233	232868	216877	244408	422935	441547
Меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари	571119	727531	807515	1013934	1098295	1193324
Санатория ва курорт корхоналаридан	235333	268860	287933	329545	347169	409090
Дам олиш ташкилотларидан	140557	209139	255201	281282	274371	210504
Туристтик базалар томонидан	2096	1914	3938	2540	3109	1047

*Изоҳ: Фақат виза, чет эл паспортини расмийлаштириш, меҳмонхонада жой банд қилиш ва шунга ўхшаш хизматлар кўрсатилган фуқароларни қўшган ҳолда


Кўриниб турибдики, туризм индустриясида кўрсатилаётган хизматлар бўйича асосий ўринни меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг туризм хизматлар бозорида туризм фаолияти билан шуғулланаётган туристик фирма ва компанияларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келмоқда¹⁴. Демак, туристларга кўрсатиладиган хизматларни янада кўпроқ ва сифатлироқ қилиш учун уларни жаҳон талабларига мос равишда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ривожлантириш лозим.

Ўзбекистон иқтисодиётида асосий тармоқлардан бири туризм соҳаси бўлиши кўзда тутилган. Аммо унинг бугунги ҳолати, туризм мажмуасининг имкониятлари ва замонавий ривожланиш тенденциялари бунга тўлиқ жавоб бермаяпти. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда туризм хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, унинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳа жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Бугунги кунда республикада туристларга асосан хусусий корхона ва фирмалар хизмат кўрсатмоқда (2-расм).



2-расм. Республикадаги туристик фирма ва ташкилотларнинг сони ва хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар¹⁵

Кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган 2012–2018 йилларда туристик фаолиятни амалга оширувчи фирма ва ташкилотлар сони 102,4 тадан 224,8 тага ёки 219,5 % га ошган бўлса, республикада қабул қилинган хорижий ташриф буюрувчилар сони 203,7 минг кишидан 713,2 минг кишига ёки 350,1 % га кўпайган. Шунинг учун ҳам туристларга хизмат кўрсатувчи ходимлар салоҳиятини ҳар томонлама ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, маданиятини юксалтириш зарур. Кўп ҳолларда туристларнинг ҳоҳиш ва истакларини инобатга олиб, улар учун янги туристик йўлақлар топиш, сифатли хизматлар кўрсатишни таъминлаш, туризмни стратегик режалаштириш бугунги кун учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси материаллари асосида муаллиф ишланмаси.

Шуларни инобатга олиб, глобаллашув шароитида маҳаллий туризм хизматлари бозори ривожланишига таъсир қилувчи энг муҳим омилларни баҳолаш зарур. Тадқиқот натижасида ушбу омиллар сиёсий ва институционал ҳамда ижтимоий - иқтисодий омилларга ажратилди.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, ушбу соҳага давлатнинг эътибори, уни қўллаб-қувватлаши, миллий туризм бозорининг халқаро туристик бозор билан интеграциялашуви ҳамда туризм бизнеси хавфсизлиги таъминланганлиги, маҳаллий урф-одатларнинг ўзига хослиги, сифатли хизмат кўрсатишнинг ташкил қилинганлиги, инвестицион жозибадорлик етарлилиги ва бошқалар туризм хизматларини ривожлантиришга хизмат қилувчи омиллар саналади. Шунинг учун тармоққа мамлакат миқёсида алоҳида устуворлик бериш, уни молиявий-инвестициявий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий ҳамкорлар билан дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ўрнатиш соҳани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

Ишнинг **“Республика ҳудудларида туристик хизматларни бошқаришнинг иқтисодий таҳлили”** номли иккинчи бобидан миллий туризмни бошқаришнинг ҳудудий жиҳатлари ва уларни таҳлил этиш масалалари, мамлакатимиз ҳудудларида туристик хизматлар самарадорлигини ошириш йўллари, туризмни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари қараб чиқилган. Ушбу боб бўйича ҳам тадқиқот натижаси асосида алоҳида хулоса берилган.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, мамлакатимизга келаётган хорижий туристларнинг аксарият қисми (деярли 90 фоизи) ўрта ва кекса ёшдаги кишилар бўлиб, уларнинг бу ерга келишдан асосий мақсадлари дам олишдир. Улар асосан тарихий ва маданий обидаларни кўриш учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларга боришади. Бундай аҳвол, албатта, Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётганлигидан, шунингдек, унинг ривожланиш кўрсаткичларига салбий таъсир қилиши мумкинлигидан далолат беради. Кўпчилик туристлар Ўзбекистонга фақат туристик объектларни кўриш учун келишинигина эмас, балки стандарт йўналишдаги бошқа жойларни ҳам бориб кўриш учун келишини ташкил қилиш лозим. Кекса туристлар қулайликни яхши кўришиб, пулни эса ёш туристларга нисбатан камроқ сарфлашади. Ҳозирги замонавий ёшларнинг турмуш тарзи, одатлари, кадриятлари, дам олишга бўлган муносабати ва дунёни билиш усуллари кекса кишиларининг ёшлик давридагидан кескин фарқ қилади. Бу ҳолат, хусусан Европа маданиятида кўпроқ намоён бўлади.

Миллий ва хорижий экспертлар фикрига кўра, Ўзбекистонда туризмни мавжуд бўлган табиий, иқтисодий ва тарихий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм туристик минтақаларини тарихий ва маданий туризм марказлари сифатида ривожлантиришни давом эттириш лозим. Навоий, Каттақўрғон, Ғиждувон, Вобкент, Нукус, Хўжайли ва Беруний каби шаҳарларда туризмнинг моддий-техник базасини яратиш лойиҳалари таклиф қилинмоқда. Бу республика туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

фаолиятининг **биринчи йўналиши** ҳисобланади. **Иккинчи йўналиш** – тарихий археологик туризмнинг маркази бўлган Самарқанд, Қарши ва Термиз шаҳарларида муносиб базани шакллантириш. Бу шаҳарларда курорт ва соғломлаштириш туризмини ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Чунки республикага келаётган туристларнинг камида 5-10 фоизи ушбу минтақаларга бориш истагини билдиришади.

2-жадвал

Ўзбекистонда туризм бозорининг SWOT таҳлили¹⁶

Кучли томонлар	Заиф томонлар
<p>1.Туризм объектлари мавжуд бўлган ҳудудларнинг юқори географик ва табиий салоҳияти</p> <p>2.Туризм объектларида турли маданий-маиший ва дам олиш хизматларининг мавжудлиги</p> <p>3.Туризм хизматларидан мақсадли фойдаланиш учун ўсиб бораётган реал талабнинг мавжудлиги</p> <p>4.Ўзбекистон Республикасининг “Буюк ипак йўли”да жойлашганлиги</p> <p>5.Туризм соҳасини ривожлантиришга ҳукумат алоҳида эътибор қаратаётганлиги ва уни инвестиция сифатида эътироф этиши</p> <p>6.Хавфсизлик нуқтаи-назаридан мамлакатнинг тинч ва осойишталиги ва инсон дахлсизлиги таъминланганлиги</p>	<p>1.Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида туризм соҳасидаги мавжуд юқори салоҳиятдан максимал даражада фойдалана олмаслик</p> <p>2.Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотида ва бандликда туризм соҳасининг улуши жуда пастлиги</p> <p>3.Туризм соҳасига инвестициялар жалб этишнинг паст даражадалиги</p> <p>4.Туризм объектларидаги меҳмонхо-налар ва сервис тизимининг халқаро андозаларга жавоб бера олмаслиги ҳамда хизмат кўрсатиш сифатининг паст даражаси</p> <p>5.Туристлик хизматларни таклиф этувчи объектлар жойлашган ҳудудларда зарурий инфратузилмалар ва кластерлар етарли даражада эмаслиги</p> <p>6.Кўрсатилаётган хизматлар учун нархларнинг хизматлар сифатига номуносиблиги</p>
Имкониятлар	Хатарлар
<p>1.Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари учун ички ва ташқи туризмни ривожлантириш тенденцияси ҳамда миллий туризм соҳасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва чора-тадбирларни ишлаб чиқилганлиги</p> <p>2.Туризм соҳасидаги инвестицион муҳит ва инвестицион жозибадорликни ошириш имкониятлари</p> <p>3.Туризм хизматлари кўрсатиш географиясини ҳудудлар бўйича кенгайтириш имкониятлари</p> <p>4.Янги қувватларни ишга тушириш ва кластерларни шакллантириш ҳисобида янги иш ўринларининг яратилиши</p>	<p>1.Жаҳон туризм хизматлари бозори билан боғлиқ иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши</p> <p>2.Халқаро ахборот тизимларига қўшилиш натижасида халқаро бозордаги етакчи туристик корхоналар билан рақобатбардошликнинг кучайиши</p> <p>3.Рақобатчилар пайдо бўлиши натижасида хизматлар ва даромадларнинг улар ўртасида тақсимланиши</p> <p>4.Жаҳонда туризм хизматлари бозорида талаб ва таклиф омилининг ўзгариши, нарх конъюктурасидаги ўзгаришлар, сифатли хизмат кўрсатиш учун стандарт ва талабларнинг доимий равишда ўзгариши ва ҳ.к.лар</p>

Учинчи йўналиш – Жиззах ва Фарғона водийси туристик минтақаларини спорт-соғломлаштириш марказлари сифатида ривожлантириш. Мутахассислар фикрига кўра, республикага келган туристларни 15-20 фоизи

¹⁶ Жадвал муаллиф тадқиқотлари натижалари асосида тайёрланган.

ушбу йўналишлар бўйича туристик саёҳатларда бўлишни хоҳлашади. Бунинг учун Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон, Жиззах ва Зомин шаҳарларида туризм тармоқлари бўйича инфратузилмани ривожлантириш зарур. **Тўртинчи йўналиш** Тошкент минтақасининг туристик салоҳиятидан ишбилармон, тижорат ва кўнгил очиш маркази сифатида фаол фойдаланиш-дан иборат. Бу ерга туристларнинг 10 фоизи ташриф буюриши кутилмоқда. Тадқиқот жараёнида туризм хизматлари бозорини ривожланиши ва бошқаришда кенг фойдаланиб келинаётган SWOT-таҳлил усулидан ҳам фойдаланилди (2-жадвал).

SWOT-таҳлил стратегик режалаштириш усули ҳисобланиб, ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитлардаги мавжуд омилларини аниқлашга йўналтирилган. Улар тўртта категорияга ажратилади, яъни **Strengths** (кучли томонлари), **Weaknesses** (бўш томонлари), **Opportunities** (имкониятлари) ва **Threats** (ҳавф-хатарлари).

Таҳлиллар кўрсатдики, туризм хизматлари бозорини ривожлантириш ва бошқаришда кучли томонлар билан бирга заиф томонлар ҳам мавжуд экан. Жойларда туризм соҳасидаги бошқарув ва хўжалик субъектлари раҳбарлари кучли томонларни шундай ушлаб туришга, имкониятларидан тўғри фойдаланишга, заиф томонларни кучайтиришга ва таҳдидларни имкон қадар бартараф қилишга йўналтирилган “Йўл хариталари” ва дастурларни ишлаб чиқишлари лозим.

Туризм тармоқларида хизматлар индустрияси сифатини таъминлаш туристик корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш йўллари билан биридир. Туристлар кўплаб турмаҳсулот ва моддий хизматларни (мисол учун, самолёт чиптасини, меҳмонхонада туларжой, таом ва ҳ.к.ларни) харид қилишади. Бироқ, бундан ташқари улар номоддий таассуротларни ҳам (мисол учун табиат кўриниши, иқлим, аҳолининг меҳмондўстлиги, тарихий ва меъморий обидалардан олинган таассурот ва ҳ.к.ларни) сотиб олишади. Шу нуқтаи назардан қаралганда ҳар қандай туристик маҳсулот уч қисмдан, яъни а) туризмдан олинган билим ва таассурот; б) муайян жой; в) туризм билан боғлиқ хизматлардан иборат бўлади. Бундан ташқари туристик маҳсулот туристнинг сафарга чиқиш ва дам олишга ундайдиган асосий эҳтиёжлардан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Шундай қилиб, олдиндан батафсил ўрганиб, таклиф этилган маҳсулотни олишдан турист манфаатдор бўлади. Шунинг учун ҳам туристик маҳсулотнинг барча таркибий қисмлари сифатли, туристлар талабига жавоб берадиган даражада бўлиши керак.

Тадқиқот ишида туризм компанияларида бошқарув стратегиясининг мақсадлари, тамойиллари асослаб берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

компания барқарор ривожланишидаги стратегик мақсадлар унинг ресурс имкониятлари билан ўзаро боғланиши (инвестициялар, кадрлар салоҳияти, инфратузилма, бизнес-жараёнлар реинжиниринги, CRM, ERP, BI, HRM замонавий дастурий тизимларини жорий этиш ва бошқалар);


туристик компанияларнинг функционал имкониятлари ва уларнинг рақобат бозоридаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда барқарор

ривожланиш салоҳияти (менежмент тизими, хизмат кўрсатиш сифати)ни ошириш – 9001:2008, International Railway Industry Standart, IRIS ва бошқаларни жорий этиш; иқтисодий конъюнктура ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда компанияларнинг узок ва ўрта муддатли истиқболини белгилаш.

Саёҳат ва туризм хизматларини амалга оширадиган жараёнларнинг “туташ нуқта”лари вертикал ва горизонтал интеграция деб ифодаланади.

Вертикал интеграцияда, масалан, туроператор билан транспорт хизматини амалга оширувчи турагент бирлашади. Меҳмонхона бизнесида чакана савдо шаҳобчалари ташкил этилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, вертикал интеграциянинг турли босқичларидаги субъектлар бирлашади ёки бири иккинчисини сотиб олади.

Горизонтал интеграция туристик компаниялар томонидан бозор улушини ошириш концентрация самарадорлигини ошириш ва ихтисослашувини чуқурлаштириш мақсадида амалга оширилади. Одатда, йирик компаниянинг дастлабки бренд номи ўзгармай қолади, чунки сотиб олган компания истеъмолчиларга кенг танилган бўлади (3-расм).



3- расм. Ягона бошқарув сифати (Total Quality Management)да сифат назорати, мутахасислар малакаси ва истеъмолчиларнинг қониқиш даражасидаги “туташ нуқта”лар¹⁷

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги туристик хизматларни ривожлантириш ва бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари”га бағишланган. Ушбу бобда республи-

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

када туристик ҳудудлар ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари таҳлили, глобаллашув шароитида Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива шаҳарларида туристик марказларни модернизация қилишнинг ҳолати, туристик ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштиришнинг иқтисодий-математик модели тадқиқ қилинган. Ушбу боб бўйича ҳам алоҳида хулоса берилган.

Таҳлиллар кўрсатдики, ҳудудлараро туристик хизмат кўрсатиш даражаси турлича бўлиб, асосий хизматлар ҳажми Тошкент, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятларига тўғри келади. Лекин, туризмнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни, унинг ривожланиш даражаси талаб даражасида деб бўлмайди. Мамлакатимизнинг туристик бозорида рақобатбардошлигини ошириш борасида ҳукумат раҳбарияти ва маҳаллий ҳокимият органлари, хусусий сектор ва халқаро ташкилотлар амалга оширадиган тadbирлар режасини ишлаб чиқишда туризмнинг миллий иқтисодиётда ва унинг ҳар бир ҳудудида ўрнини оширишга эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

2018 йилда республикамизга ташриф буюрган, чет эл фуқаролари бўлган туристлар жами 6318 минг нафардан ортиқроқни ташкил этиб, уларнинг мақсадлари бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлган: хизмат юзасидан – 0,9, ўқиш учун – 0,2, туризм – 9,2, қариндошларга ташриф – 74,6, даволаниш учун – 0,8, тижорат мақсадида – 0,8%, бошқа мақсадларда – 15,4%. Республикамизга ташриф буюрган хорижий туристларнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Япония, Жанубий Корея, Франция, АҚШ, Буюк Британия ва Германия фуқароларидан иборат бўлган. Жумладан, 2017 йилда республикамизга Қозоғистондан 1783,8 минг, Тожикистондан 261,9 минг, Россиядан 143,9 минг, Туркиядан 55,2 минг, Туркменистондан 62,5 минг, Жанубий Корейдан 37,4 минг, Афғонистондан 32,1 минг, Хитойдан 19,7 минг, Ҳиндистондан эса 15,8 минг турист ташриф буюрган¹⁸. 2018 йилда республикамизга Қозоғистондан 2456,9 минг, Тожикистондан 1700,7 минг, Россиядан 460,2 минг, Туркиядан 74,8 минг, Туркменистондан 245,8 минг, Жанубий Корейдан 32,7 минг, Афғонистондан 71,0 минг, Хитойдан 37,1 минг, Ҳиндистондан эса 22,2 минг турист ташриф буюрган¹⁹ (3-жадвал).

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 2018 йилда республикамиздан бошқа ўлкаларга борган туристлар 6432,9 минг кишини ташкил этган. Уларнинг туризм мақсадларида борганлари улуши 6,96%ни ташкил этган. Маҳаллий туристлар оқимининг 92,2% и МДХ мамлакатларига тўғри келган бўлса, узоқ хорижий давлатларга борган туристлар эса, 7,8%ни ташкил қилган. Ўзбекистон фуқароларининг асосий қисми МДХ мамлакатлари билан бирга Туркия, Хитой, БАА, Жанубий Корея, АҚШ ва Ҳиндистонга ташриф буюришган. 2018 йилда ўзбекистонлик туристларнинг 42,9%и Қозоғистонга, 3,5%и Россия Федерацияси, 1,6%и Туркияга, 0,6%и Жанубий Корейга, 0,4%и Хитойга, 0,4%и БААга, 0,2%и Ҳиндистон, 0,2%и АҚШга тўғри келган.

¹⁸ Ўзбекистон туризми, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўплами, Т.: ЎзРДСК, -2018 й.

¹⁹ Ўзбекистонда туризм, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўплами, –Т: ЎзРДСК, 2018.

Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони (минг киши ҳисобида)²⁰

Кўрсаткич -лар	Йиллар						2018 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2016	2017	2018	+; -	%
Жами	1069,30	1 214,7	974,60	2027,00	2690,0	6318,9	5249,60	590,94
Африка	0,80	1,00	0,04	0,60	0,50	1,00	0,20	125,00
Америка	8,00	6,50	1,20	1,10	1,30	14,90	6,90	186,25
Ўрта Осиё ва Тинч океани мамлакат- лари	620,30	807,20	779,80	1842,30	2464,90	5642,00	5021,70	909,56
Европа	385,20	333,20	156,80	169,80	208,40	644,50	259,30	167,32
Яқин Шарқ	55,00	66,80	36,80	13,20	14,90	16,50	-38,50	30,00

Ўзбекистонга туристлар кўпроқ Шарқий Осиё – Тинч океани минтақаси давлатлари ва Европадан келишмоқда. Шунинг ҳам инобатга олиш лозимки, БТТ таснифига кўра, собиқ Иттифоқ давлатларининг кўпчилиги Европа минтақасига киради. Шу таснифга асосан Ўзбекистонга кўшни давлатлардан келаётган туристлар ҳам Европадан келаётган туристлар ҳисобланади.

Маҳаллий туризм бозорининг иштирокчилари кўпинча туризм хизмати ва туристик маҳсулотга бўлган талабнинг аниқ хусусиятларини, туристлар эҳтиёжини қондириш учун қандай хизматлар таклиф этиш лозимлигини билишмайди. Хизмат турини таклиф этаётган ташкилот харидорни ва унинг талаби ва эҳтиёжини аниқ билган тақдирдагина талабга таъсир эта олиши мумкин. Ўзбекистонда чет эллик туристлар ҳақида тўла маълумот берувчи тадқиқотлар деярли йўқ. Туристик ташкилотларнинг ҳар бири ўз миқдорларини ўрганиши натижасида улар ҳақида маълум даражада маълумот тўплашга ҳаракат қилишади, холос. Аммо мамлакатимизга кимлар ва нима мақсадда келаётгани, улар туристик хизматнинг қайси кўринишларини кўпроқ талаб қилаётганликлари ҳақидаги маълумотлар етарли эмас.

Туристларга таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматларнинг сифати асосан уларни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ. Бироқ, хизмат сифатига таъсир қиладиган, ҳамда марказий ва маҳаллий ҳокимият органларига боғлиқ бўлган бир қатор бошқа омиллар ҳам мавжуд. Буларга инфратузилма ва туристик ресурслардан фойдаланиш имкониятларини киритиш мумкин.

Мамлакатимизда туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон таклиф этаётган учта асосий туристик маҳсулотни ажратиш кўрсатиш мумкин. Бу туристик маҳсулотлар асосан маданий, тарихий ва меъморий объектлардан иборат. Булар тарихий ва меъморий обидаларни кўриш мақсадидаги туризмни (маданий-маърифий), муайян йўналишдаги ихтисослашган

²⁰ Stat.uz.расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

туризмни, зиёрат ва табиатни кўриш мақсадидаги туризм тармоқларини ўз ичига олади. Тадқиқотда туризмнинг ушбу кўринишлари алоҳида-алоҳида тавсифлаб берилди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда туризм соҳаси рақобатбардош бўлиши учун унинг иштирокчилари мазкур соҳа бозоридаги мавжуд талабларни қондира олиши лозим. Мамлакатимизга келаётган кўпчилик туристлар Ғарбий Европадан эканлигини ҳисобга олган ҳолда муваффақиятга эришиш учун малакали кадрлар тайёрлашда халқаро андозалар талабларидан келиб чиқиш керак. Янги туристларни жалб этиш учун уларни кутиб олишдан бошлаб, кузатгунга қадар бўлган барча даражаларда малакали кадрларга эга бўлиш тақозо қилинади. Айнан шундай бўлгандагина туристлар яна қайтиб келиши мумкин. Натижада мамлакатимизга келадиган туристлар сони йилдан-йилга кўпайиб боради.

Фикримизча, мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишталик, юртимизнинг осори атиқалари, қадимги маданий ёдгорликлари ва гўзал табиати йилига 3,0-3,5 млн. кишидан иборат бўлган туристларнинг ташриф буюриши учун асос ҳисобланади. Аммо бундай катта ҳажмдаги туристлар оқимини қабул қилиш учун тегишли инфратузилма шаклланган бўлиши лозим. Бунда туристик хизматларни етказиб берувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тузилмаси муҳим аҳамият касб этади (4- жадвал).

4- жадвал

Туристлик хизматларни етказиб берувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тузилмаси ²¹

Ташриф буюрувчиларнинг харажатлари	Хизматларни етказиб берувчилар
Жойлашиш	Меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, карвонсаройлар, шахсий уйлар, квартиралар ва бошқалар
Овқатланиш ва ичимликлар	Барлар, ресторанлар, кафелар, ошхоналар, кўчма умумий овқатланиш пунктлари, шахсий уйлар
Транспорт	Автобуслар ва енгил машиналар
Маданий ва спорт фаолияти	Спорт-инвертарлари ва спорт иншоотларини ижара олиш. Маданий ҳордиқ чиқариш–кечки клублар, дам олиш масканлари ва хиёбонлар. Кўргазма ва шоуларни ташкил этиш. Концерт дастурлари ва бошқа бадиий фаолият
Харидлар	Сувенирлар, совға ва дўконлардаги чакана савдо. Истеъмол товарлари, йўл асбоблари, кийим-кечак, чемодан ва сумкалар, парфюмерия товарларининг чакана савдоси
Ишбилармонлик хизматлари	Кўчмас мулк билан операциялар, офислар учун асбоб-ускуналарнинг ижараси, ишга ёллаш
Туристлик хизматлар	Экскурсоводлар, гид-таржимонлар, валютани айирбошлаш, саёҳатларни суғурталаш, паспорт ва визалар учун фотографиялар

Республикаимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланиши билан туризм корхоналари фаолият кўрсатишининг ташқи шароитлари тубдан ўзгарди. Туризм корхоналарининг бозор муносабатлари шароитидаги самарали фаолияти, энг аввало, корхона ички тузилишини бозор талабларига мувофиқ ташкил этиш, фан-техника тараққиёти

²¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш каби масалаларнинг қай даражада муваффақиятли ҳал этилиши билан боғлиқ. Шу сабабли, туризм корхоналарида таркибий ўзгаришлар жараёнини муваффақиятли амалга ошириш ва унга мантиқий жиҳатдан ўзаро боғлиқ чора-тадбирларнинг яхлит тизими сифатида қараш лозим.

Бу эса таркибий ўзгаришларни ифодаловчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни ва уни изчиллик билан амалга оширишни талаб этади. Чора-тадбирлар дастури - ушбу жараёни амалга ошириш алгоритми ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, чора-тадбирлар дастури унинг ҳар бир йўналиши бўйича ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ўзида акс эттирувчи қуйи дастурлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир қуйи дастурда таркибий ўзгаришларнинг муаян йўналиши бўйича кўзда тутилган мақсадга эришиш усуллари, уни амалга ошириш муддати ва самараси, ҳар бир чора-тадбирни бажариш учун зарур маблағ манбалари ва унга масъул шахслар кўрсатилган бўлиши лозим.

Чора-тадбирлар дастури бир қатор амалий вазифаларни бажаришда асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, ҳамкорлар билан стратегик келишувларни тузишда; қўшма тадбиркорлик қарорларини қабул қилишда; мустақил ишлаб чиқариш бирликларини лойиҳалаштириш ва ривожлантиришда ҳамда бошқаларда.

Дастурда илгари сурилаётган вазифаларнинг устувор жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу борада замонавий реинжиниринг ёндашуви алоҳида аҳамиятга молик. Мазкур ёндашувда асосий жараёнларнинг қиймат кўрсаткичларини лойиҳалаштиришда рақобат кураши воситалари сифатида инновация, сифат, хизматлар, нархлар, мол етказиб беришнинг молиявий шарт-шароитларидан фойдаланиш назарда тутилади. Чора-тадбирлар дастурида уни амалга оширишнинг мослашувчан усули баён этилиши зарур. Одатда, таркибий ўзгаришларни баҳоловчи дастурни амалга ошириш уч босқичдан иборат бўлади: туризм корхонасининг таркибий ўзгариш салоҳиятини аниқлашга йўналтирилган диагностик тадқиқот, стратегик режасини ишлаб чиқиш, стратегик режани амалга ошириш (4-расм).

Бу учта босқич бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улардан ҳар бирининг муваффақиятли ҳал этилиши дастурни самарали амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Таркибий ўзгаришларни баҳоловчи чора-тадбирлар дастури туризм корхоналарини диагностик тадқиқ этишдан бошланиб, корхонанинг хизмат кўрсатиш, бошқарув, молия ва бошқа фаолият турларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Туризм корхоналарини диагностик тадқиқ этишнинг биринчи босқичида корхонанинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Бунда асосий эътибор корхонанинг ялпи хизматлари ҳажми динамикаси, унинг таркиби, кўрсатилаётган асосий тур хизматлари ва уларнинг таннархи динамикаси, ушбу хизматлар нархларининг шаклланиш хусусиятлари, маркетинг масалаларига қаратилади. Сўнгра ушбу таҳлилнинг узвий давоми

сифатида корxonанинг молиявий ҳолати таҳлил қилинади. Корxonанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда молиявий натижалар, молиявий барқарорлик, ликвидлик, корxonанинг иш фаоллиги кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Туризм корxonаларида таркибий ўзгариш босқичлари		
Диагностик тадқиқот		
Корxonанинг ижтимоий -иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш	Корxonанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш	Корxона фаолият кўрсатаётган ташқи муҳитга баҳо бериш
Таркибий ўзгаришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш		
Таркибий ўзгаришнинг қисқа муддатли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш	Таркибий ўзгариш вариантларини ишлаб чиқиш	Таркибий ўзгаришнинг узоқ муддатли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш
Таркибий ўзгаришнинг стратегик режасини амалга ошириш		
Таркибий ўзгаришни амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқиш	Таркибий ўзгаришнинг қисқа муддатли режасини амалга ошириш	Таркибий ўзгаришнинг узоқ муддатли режасини амалга ошириш

4-расм. Туризм корxonалари таркибий ўзгаришларини баҳоловчи чора-тадбирлар дастури ва унинг босқичлари²²

Туристтик корxonанинг молиявий фаолият натижаларини таҳлил этишда унинг фойдалилик даражасига, молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш, фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши асосланганлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу, энг аввало, шу билан боғлиқки, молия-хўжалик фаолиятининг якуни, самараси ҳисобланган фойда бозор иқтисодиёти шароитида туризм корxonалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосини ташкил этади. Натижада, корxonанинг ички эҳтиёжларини қондириш билан бирга давлат бюджети маблағларини тўплаш, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ва ҳомийлик қилишнинг моддий асоси вужудга келади.

Туристтик корxonаларнинг стратегик бошқарув стратегияси рақобат устунликларини амалга ошириш, унинг реал имкониятлари ўртасида стратегик мувофиқликни яратиш ва қўллаб-қувватлаш жараёнидан иборат.

Туристтик компанияларга жалб этилган инвестициялар уларнинг фаолиятини диверсификациялаш, янги иш ўринларини яратиш, соф фойдаси

²² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ва рентабеллик даражаси ошишига имконият яратади. Бу борада компанияларнинг бошқарув стратегияси дастури унинг амалдаги барча таркибий қисмларини қамраб олган чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди ҳамда миждозларга тезкор, сифатли хизмат кўрсатиш ҳисобига фойданинг ўсиши, рентабеллик даражаси ва даромадлиликни оширишга эришишга олиб келади.

Туристтик хизматлар бозорида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқ ва самарали қондиришга қаратилган бошқарув тизими қўйидагиларни ўз ичига олади: сайёҳларга хизмат кўрсатишни тартибга солишнинг институционал базасини такомиллаштиришни; туристик компаниялар қисқа муддатли истиқболда ривожланишининг асосий омиллари аниқланилиши. Булар: хизматлар сифатини яхшилаш ҳисобига корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш, хизматлар кўламини кенгайтириш, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига харажатларни қисқартириш ва х.кларни кўзда тутади.

Тадқиқот ишида иқтисодий-математик моделлардан фойдаланиш натижалар тўғрисида тўғри хулоса чиқариш имконини беради. Ушбу жараён бир қанча бошқичлардан ташкил топиши диссертацияда алоҳида қаралди.

“Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси”да туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Ушбу устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги 55 та туристик фирманинг иқтисодий ва ташкилий механизмларини ўрганиш мақсадида статистик кузатув олиб борилди. Бу туристик фирмалар кўлами бўйича кичик бизнесни юритиш соҳасига мос корхоналар қаторига киради. Туристтик корхоналарнинг номлари вилоятлар кесимида қўйидаги жадвалда келтирилган ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган (5-жадвал).

5 – жадвал

Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги 55 та туристик фирманинг статистик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ишловчилар сони	Хизматлардан ялпи тушум	Бошқа даромадлар	Фойда миқдори
Ўртача	19,6	2200370	377007,5	1438003,418
Ўртача хато	3,587445374	587119,5	187646,6	929148,3857
Медиана	11	780493	33654	159444
Стандарт фарқ	26,60520695	4354195	1391624	6890748,853
Танлов дисперсияси	707,837037	1,9E+13	1,94E+12	4,74824E+13
Эксцесс	18,76285191	37,52007	27,01665	53,15879911
Асимметрия	3,868001058	5,695039	5,146735	7,239736445
Интервал	168	31170531	8572547	51209597
Минимум	1	7576	2	3
Максимум	169	31178107	8572549	51209600
Аниқлилик даражаси (95,0%)	7,19239488	1177104	376208,8	1862830,342

Ушбу корхоналарнинг 2018 йилдаги фаолияти формулалар ёрдамида таҳлил қилиниб, статистик ўртачалар, мода, медиана, ўртача квадратик фарк, дисперсия кўрсаткичлари ҳисобланди ҳамда корреляция ва регрессион усуллари ёрдамида фойдаланилмаган ресурс ва имкониятлар аниқланди, фирмаларда ишлаб чиқариш ва трансакцион харажатларни пасайтириш, фойда миқдорини ошириш заҳира топилди.

Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги туристик фирмаларнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, ҳар бир омилнинг фойда меъёрига мутлақ ва нисбий таъсирини аниқлаш, ресурсларнинг чегаравий самарадорлигини ҳисоблаш ва омилларнинг муқобил комбинациясини топиш мақсадида танлама кузатув маълумотлари асосида кўп омилли чизикли ва логарифмли чизикли регрессион тенгламалар ҳисобланди. Evies-9 тизимли дастур ёрдамида компьютерда ҳисобланган регрессион тенгламалар қуйидаги кўринишга эга:

$$y = -2397354,1 + 271114,5x_1 + 0,6694x_2 + 0,6590x_3$$

(-4,2706) (9,533) (2,666) (4,5405);

Шунингдек, $\ln = 0,4471 + 0,368 \ln x_1 + 0,3174 \ln x_2 + 0,0629 \ln x_3$

Моделларда: Y–фойда миқдори (млн.сўм); X_1 – ишловчилар сони (киши); X_2 – ялпи тушум (млн.сўм); X_3 – бошқа даромадлар (млн.сўм).

Логарифмик чизикли моделга биноан бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда агар ишловчилар сони бир фоизга ўзгарса, ялпи фойда 0,36 фоизга ошади, ялпи даромад ва бошқа даромадлар ўз навбатида 0,31 ва 0,06 фоизга ўзгаради. Хулоса қилиб айтганда, туристик корхоналарда иқтисодий самарадорликни ошириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Туристтик фирмаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳудудлар кесимида таҳлил этганимизда хизматлар ҳажми ва харажатлар миқдорининг амплитудаси жуда катта эканлиги аниқланди. Уларнинг фойдалилик даражаси хизматлар таркиби ва унинг ичидаги туристик хизматлар вазнига ҳамда имкониятлардан тўла фойдаланиш коэффициентиға боғлиқ бўлмоқда.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, туристик фирмаларнинг молиявий хўжалик фаолияти кўпгина омилларға боғлиқ. Ана шу омилларни ҳисобға олиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган туристик фирмаларнинг кўпчилиги яхши натижаларға эришмоқда.

Ишнинг тўртинчи боби **“Туристтик хизматларни кўрсатувчи субъектлар тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари”**га бағишланган. Унда Ўзбекистонда туризм хизматлари бозорини стратегик бошқариш йўналишлари, мамлакатимизнинг туризм ривожланган ҳудудларида бошқариш тизими самарадорлигини ошириш йўллари, туризм хизматлари соҳасида бошқарув самарадорлигини такомиллаштириш усуллари қараб чиқилган. Мазкур боб бўйича алоҳида хулоса қилинган.

Туристтик инфратузилмани ривожлантириш борасида туристлар учун тарихий ва меъморий обидалар ҳудудида тегишли шарт-шароитлар яратиш, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги ахборот тахтачаларини ўрнатиш бўйича тадбирлар амалға оширилди. Туристлар ҳозирги кунда кечқурун ҳам

ёритилган Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Заргарон савдо расталарида, шунингдек, Пойикалон, Лабиҳовуз, Ситораи Моҳи хоса ва Арк тарихий комплекслари ҳудуди бўйлаб сайр қилишиб, тунги Бухоронинг бутун нафосатини яққол ҳис эта олишлари мумкин.

Бухоро вилоятининг ноёб туристик объектлари ва ёқимли сайргоҳлари мамлакатимизнинг маданий ва гўзал табиати билан яқиндан танишиш жойларидан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, Қоровулбозордаги “Девхона” кўлида балиқ овлаш билан боғлиқ бўлган туристларнинг дам олиш маркази қурилиши, туяларда мароқли саёҳат қилишнинг “Камел сафари” дастури ташкил этилиши, “Жайрон” экологик ҳудудида туристлар учун шинам шарт-шароитлар ташкил топиши ва бу ерга келган туристлар ҳайвонларнинг нодир турларини кўриши, яшил чинорлар соясида дам олишига имкон бермоқда.

Миллатимизнинг ажойиб маданияти ва анъанавий урф-одатлари қовун сайли, палов сайли, ипак сайли, зираворлар сайли каби мунтазам ташкиллаштириладиган тадбирлар доирасида кўрсатилади. Шу билан бирга минтақа ҳудудида “Бухоро шашмақоми” маркази барпо этилиши бу ерга келган туристлар турли-туман оҳангларга ва бетакрор садоларга асосланган мумтоз ашулалар – “Шашмақом”ни тинглашлари мумкин. Бухоро нафақат мусиқа санъатида балки, ҳунармандчилик маданиятида ҳам ўз анъаналари билан шуҳрат қозониб келмоқда. Чунки ҳунармандлар бунёд этган тарихий манзилларида, яъни карвонсаройлар негизида барпо этилган савдо расталарида туристлар халқ ҳунармандчилиги буюмларини тайёрлаш жараёни билан танишиб, ушбу маҳсулотларни харид қилишлари мумкин.

Турист-экскурсион соҳада хизмат кўрсатишни стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан бири уни сифат даражасини кўтаришда меъёрий-техник воситалар билан таъминлашдан иборат.

Турист стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

туристларга хизматлар кўрсатишнинг сифат кўрсаткичлари номенклатурасини белгилаш;

туристларга хизмат кўрсатишда назорат усулининг ўсиб бораётган талабларини белгилаш;

хизматлар хавфсизлиги ва аҳоли соғлигини сақлаш, атроф-муҳит ҳимояси, ижронинг аниқ ва ўз вақтида бўлиши, хизмат кўрсатишнинг эстетик талабларини ўрнатиш;

туристик хизматларнинг сертификациясига бўлган талабларни белгилаш;

туристик корхоналар фаолиятини бошқа туристик экскурсион хизматлар кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;


стандартлаштириш соҳасида асосий тушунчаларни аниқлаб, аҳолига сифатли туристик-экскурсион хизматлар кўрсатишни белгилаш ва бошқалар.

Турист-экскурсион хизмат кўрсатиш жараёнлари қуйидагиларга бўлинади: ташкил этиш ва бошқариш жараёни; хизмат кўрсатишнинг технологик жараёни; барча хизматларнинг сифатли амалга оширилишини таъминловчи жараёнлар ва бошқалар.

Туристлар билан алоқа ўрнатишда маҳаллий маъмурият ва аҳолининг

роли катта. Улар кутиб олиш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил қилади, тарихий ва маданий ёдгорликларнинг сақланишини таъминлайди. Минтақа эса, ўз навбатида, бундан иқтисодий фойда кўради.

Туризм ҳар бир ҳудуд иқтисодиётининг асосига айланиши шарт эмас. Минтақада туризм саноатини ривожлантиришга керакли бўлган ресурслар, имкониятга эга бўлган туристик бозорлар, етарли меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлигини аниқлаб олиш керак. Агар минтақада санаб ўтилган шарт-шароитлар бўлса, бу ерда рақобатбардош туристик соҳани ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш керак бўлади. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўртта йирик туристик минтақа (Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри) мавжуд.



5-расм. Ўзбекистонда туризм соҳасини стратегик бошқаришнинг йўналишлари²³

²³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Экспертлар ҳисобига кўра, Ўзбекистонга келадиган туристик оқимнинг 85 фоизи айнан ана шу ҳудудларга тўғри келади. Фарғона водийси ва Оролбўйи атрофида ёки республиканинг бошқа минтақаларида янги туристик марказларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ушбу асосий марказларда туристлар оқими камайишига ва даромад тушиб кетишига олиб келиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, бу тўртта ҳудуд бир маромда фаолият юритишга тайёр. Самарқанд ва бошқа шаҳарлар аэропортига халқаро мақом берилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот натижалари кўрсатмоқдаки, мавжуд салоҳият ва тенденцияларни эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда туризм индустриясини бошқаришнинг стратегик йўналишларини аниқлаб олиш муҳим. Фикримизча, мамлакатимизда туризм соҳасини бошқаришнинг стратегик йўналишлари қуйидаги 2 та йўналишда бўлиши мақсадга мувофиқ (5-расм). Расмдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда туризм соҳасини стратегик бошқаришнинг иккита йўналиши ҳам туризмни ривожлантириш ва хизмат сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг халқаро туризм йўналишини асосий жиҳатлари, тамойиллари, стандартларини қамраб олган ва илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда стратегик бошқарувини такомиллаштириш ҳам бевосита соҳа олдида қўйилган хизматлар бажарилишига хизмат қилади.

Иккинчидан, мамлакатимизда миллий туризмни барқарор ривожлантириш ва бошқарувини инновацион асосда ташкил этиш соҳада синергетик самарадорликни ошириш масаласини ҳал қилишига эриштиради. Ушбу йўналишлар бўйича ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш, миллий туризмнинг алоҳида йўналишларини бошқаришни такомиллаштириш имконини беради.

ХУЛОСА

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ қилиш борасида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг туризмга алоҳида соҳа сифатида қаралиб, уни ривожлантириш зарурати асосланди. Булардан келиб чиқиб, соҳада таркибий ва ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди, янги давлат бошқаруви жорий қилиниб, соҳада инфратузилмани ривожлантириш имкониятлари яратилди, тарихий ва меъморий, маданий иншоотларни муҳофаза этиш ва тиклаш жараёнларига, туризм бозорини такомиллаштириш масалаларига ҳам катта аҳамият берилди. Натижада хорижий мамлакатлардан келадиган туристлар сони йилдан-йилга ортиб боришига эришилди. Аммо ҳозирги кунда туризмнинг миллий иқтисодийдаги ўрни мамлакатимиздаги мавжуд туристик салоҳиятга нисбатан етарли эмаслиги ҳам аён бўлиб қолмоқда. Шу боис, тадқиқот ишида туристик ресурслардан самарали фойдаланишга тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни ҳал қилиш борасида бир қатор илмий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди.

2. Тадқиқот жараёнида туризм хизматлари соҳасини бошқариш миллий туристик ресурслар салоҳиятидан комплекс фойдаланиш, ҳудудларда туристик индустрияни инновацион ривожлантиришга имкон яратувчи вертикал интеграциялашнинг мувозанатлашган стратегиясини қўллаш зарурияти асосланиб, ушбу стратегия такомиллаштирилди. Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги туристик корхоналарда ресурслар салоҳиятидан комплекс фойдаланиш, туристик марказларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳамда туризм хизматлари бозорини такомиллаштириш имконияти яратилди.

3. Изланишлар натижасида маҳаллий туристик компанияларда ягона бошқарув сифати (Total Quality Management)ни хизмат кўрсатишнинг сифат назорати, мутахассисларнинг малакаси ва истеъмолчининг қониқиш даражасини “туташ нуқта” сифатида белгилаш зарурати асосланди ва бу жараён такомиллаштирилди. Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши бошқарувнинг самарадорлигини ошириш, асосий кўрсаткичларни тизимлаштириш, рағбатлантириш тамойилларини такомиллаштириш имконини берди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг туристик хизматлар бозорида муҳим таркибий ўзгаришлар юз беришига, туризм индустрияси тадбиркорлар учун янада жозибадор тармоқлардан бирига айланишига, тармоқлараро ва минтақалараро ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришга, туристик бизнесни таркибий жиҳатдан такомиллаштириб, ривожлантиришга тегишли шароит яратди.

4. Тадқиқот жараёнида миллий туристик ресурслар салоҳиятидан комплекс фойдаланиш, ҳудудларда туристик индустрияни инновацион ривожлантиришга имкон яратувчи вертикал интеграциялашнинг мувозанатлашган стратегиясини қўллаш асосида туризм хизматлари соҳасини бошқариш билан боғлиқ жиҳатлар такомиллаштирилди. Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси таасарруфидаги туристик корхоналарда минтақаларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, туризм соҳаси бўйича самарали қарорлар қабул қилиш имкониятларини кенгайтди. Натижада туризм соҳасида ижобий ўзгаришларга эришилди, туристик ташкилотларни бошқара оладиган янги авлодни кенг қўламда тайёрлаш ва тарбиялашга киришилди, маҳаллий туризм бозори иштирокчилари учун тренинглар ўтказиш орқали уларнинг малакасини ошириш чоралари кўрилиб, таклиф этаётган туристик хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш имкониятлари яратилди.

5. Тадқиқот жараёнида мамлакат ва ҳудудларнинг ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини баҳоловчи туристик компаниялар соф фойдаси, жалб этилган инвестициялар самарадорлиги, фойданинг ички меъёри кўрсаткичлари туризм хизматлари соҳасини бошқариш самарадорлиги кўрсаткичларини интеграллаш асосида такомиллаштирилди. Ушбу тавсия Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида туристик хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, рағбатлантириш ва сифатини оширишга йўналтирилган менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш, миллий туристик марказлар фаолияти ва туристик оқимларни координациялаш, такомиллашган бошқарув

қарорларини қабул қилиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш имкони-ни яратди. Бу мазкур таклифлардан жойларда туризм марказларини оптимал-лаштириш ва туристик оқимларни координациялаш, бошқарув қарорлари-нинг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ва “Йўл харитаси”ни шакллантиришда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

6. Туризм соҳасини стратегик ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда репрезентатив танлама кузатув маълумотларига асосланган регрессион моделлар ёрдамида 2021 йилга қадар Ўзбекистонда туристик хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Мазкур прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш натижасида республика иқтисодиётида туристик хизматлар кўрсатиш салмоғини оши-риш, туризмнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш, тармоқнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш имкони яратилди. Шунингдек, мазкур прогноздан БТТнинг миллий ва хорижий экспертлари томонидан Ўзбекистоннинг “Туризм барқарор ривожланиши” дастурини тайёрлашда, жаҳон талабларига жавоб берадиган меҳмонхоналарни ривожлантиришда, туристларга хизмат кўрсатишнинг миллий стандартини тайёрлашда, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш-нинг миллий моделини шакллантиришда фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

7. Тадқиқот натижасида барча талабларга жавоб бера оладиган туристик хизматлар ва объектлардан самарали фойдаланиш учун халқаро талабларга тўлиқ мос келадиган туризм инфратузилмаси (ҳаво транспорти, автомобиль йўллари транспорти, темир йўл транспорти, сув транспорти, меҳмонхоналар ва бошқалар)ни шакллантириш талаб этилиши аниқланди. Бундай инфратузилма ўз ичига транспорт хизматлари билан бирга, сув ва электротаъминот, канализация ва телекоммуникация каби соҳаларни ҳам қамраб олиши ҳамда булар таркибига дунёдаги кўплаб мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда туризмни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган, туристларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган санитария-экологик омилларни ҳам киритиш лозимлиги асосланди.

8. Изланишлар натижасида мамлакатимизнинг туризм секторида хусусий мулкка асосланган туристик корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши етарли даражада эмаслиги аниқланди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардир: биринчидан, республикада туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган айрим компанияларнинг монополлашганлик даражасига эга эканлиги; иккинчидан, янги ташкил қилинаётган кичик туристик фирмаларда йирик туристик компанияларда мавжуд бўлган имкониятлар мавжуд эмаслиги; учинчидан, туризм соҳасида кичик туристик фирмаларнинг янгидан ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган юқори малакали кадрлар етишмаслиги; тўртинчидан, янги ташкил этилган туристик фирмаларнинг фаолият доираси – асосан Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан аъанавий ҳисобланган айрим хизмат турлари билангина чекланиб қолаётганлиги натижасида, хорижий туристлар томонидан билдирилган қизиқишлар ушбу фирмалар эътиборидан четда қолиб кетаётганлиги кабиларни киритиш мумкин.

9. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, туристик фирмалар ноанъанавий хизмат турларидан, масалан, мамлакатимизнинг гўзал табиатига саёҳатлар уюштириш, туристлар учун маҳаллий қишлоқ ва овулларга халқ миллий урф-одатлари билан таништириш мақсадида экскурсиялар ташкил этиш, шунингдек, туристлар учун миллий руҳдаги концерт ва томошаларни уюштириш каби хизмат турларини кенгайтириш нафақат хорижий, балки маҳаллий туристларни ҳам жалб қилиш имконини бериши асосланди. Ушбу таклиф бевосита Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган янги иқтисодий сиёсатга, хусусан туристик саноатнинг жадалликда ривожланиб боришига мослиги билан боғлиқ бўлган бир қатор объектив сабабларни келтириб чиқармоқда ва халқаро иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши миллий иқтисодиётда туризм хизматлари соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, унинг мамлакат ЯИМдаги улушини ошириш имконини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.27.06.2017.I.18.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АЛИЕВА МАХБУБА ТОЙЧИЕВНА

**ЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНИЯ СФЕРОЙ
ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ
ЭКОНОМИКИ**

(на примере Республики Узбекистан)

**08.00.05 – Экономика отраслей сферы услуг
08.00.13 – Менеджмент (экономические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)**

Тема докторской диссертации (DSc) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.DSc/Iqt198.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sies.uz) и информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Гулямов Саидахрор Саидахмедович**
академик Академии наук Республики Узбекистан,
доктор экономических наук, академик

Официальные оппоненты: **Пардаев Мамаюнус Каршибоевич**
доктор экономических наук, профессор

Турсунхаджаев Марат Лутфуллаевич
доктор экономических наук, профессор

Алимова Машхура Тоирхоновна
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___:___ ч. на заседании разового Научного совета DSc.27.06.2017.I.18.01 по присуждению ученой степени при Самаркандском институте экономики и сервиса. Адрес: 140100, г.Самарканд, ул. Амира Темура, дом 9. Тел./факс: (998 66) 233-19-84, (998 66) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института экономики и сервиса (регистрационный №___). Адрес: 140100, г.Самарканд, ул. Амира Темура, дом 9. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(протокол реестра №___ от «___» _____ 2019 года).

М.Э.Пулатов
Председатель разового Научного совета
на основе научного совета по
присуждению ученых степеней, д.э.н.,
доцент

Н.Э.Ибадуллаев
Ученый секретарь разового Научного
совета на основе научного совета по
присуждению ученых степеней, к.э.н.

М.М. Мухаммедов
Председатель научного семинара при
разовом Научном совете на основе
научного совета по присуждению ученых
степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Туризм является одним из самых быстрорастущих и прибыльных видов бизнеса в мире, его “доля в валовом внутреннем продукте (ВВП) составляет 10,0%. Также, каждое седьмое из созданных рабочих мест относится к сфере туризма”²⁴. Согласно прогнозам Всемирной туристической организации (ЮНВТО), к 2020 году количество международных туристов составит 1,6 миллиарда человек.

Эта сфера экономики развивается быстрыми темпами и в ближайшие годы станет самой важной сферой. “Ежегодный прирост инвестиций в сферу туризма составляет около 30%”²⁵. Международный туризм оказывает серьезное влияние на обеспечение занятости населения и в качестве активного источника притока иностранной валюты кроме платежного баланса внешней торговли страны, национальной экономики влияет и на ее социальную, культурную и экологическую среду.

ЮНВТО подчеркивает, что внесение предложений по повышению туристического потенциала стран, предложению новых услуг, созданию новых туристических брендов и повышению конкурентоспособности туристической индустрии, дальнейшему расширению географии туризма, увеличение его доли в ВВП и превращение туризма в одну из рентабельных сфер является актуальным вопросом. Также, все большее внимание уделяется научной организации управления рынком туристических услуг в мире, совершенствованию организационно-экономических механизмов его развития, повышению экономической эффективности и оценке перспективы туристических предприятий. Создание инновационного управления туристическими предприятиями, обеспечение эффективности управления, оценка факторов, влияющих на систему управления является одним из актуальных задач сегодняшнего дня.

В Узбекистане были проведены широкомасштабные реформы по расширению сферы услуг, в частности, увеличению объема туристических услуг. Например, с целью повышения качества туристических услуг были разработаны нормативно-правовые акты, стандарты и новые требования, а также усовершенствованы структуры управления. Большое внимание уделяется дальнейшему развитию национального туристического сектора и расширению потока иностранных туристов и экспорта туристических услуг, повышению уровня занятости населения за счет создания новых рабочих мест в отрасли, увеличению количества гостиниц, других объектов размещения туристов и субъектов, занимающихся туристической деятельностью и исследованию экономических аспектов их управления. В нашей стране определены конкретные меры в этом направлении и усилия по обеспечению их реализации становятся все более интенсивными. Следовательно, в этом процессе в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы в качестве одного из ключевых направлений определено «ускоренное развитие индустрии

²⁴<http://vawilon.ru/statistika-v-turizme/>.

²⁵www.unwto.org.

туризма, диверсификация и улучшение качества туристских услуг, расширение туристской инфраструктуры»²⁶. Эффективное выполнение этих задач требует повышения конкурентоспособности туристических предприятий, повышения эффективности управления национальной индустрией туризма на основе международного опыта и принципов, а также совершенствования научно-методической базы для разработки интегральных показателей. Исходя из этого, особое значение приобретает развитие рынка туристических услуг в нашей стране и ее регионах, совершенствование научно-методической базы управления индустрией туризма на основе современных принципов и методов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4861 от 2 декабря 2016 года «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан», УП-5326 от 3 февраля 2018 года «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан», постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3217 от 16 августа 2017 года «О первоочередных мерах по развитию сферы туризма на 2018-2019 годы», ПП-3509 от 6 февраля 2018 года «О мерах по развитию въездного туризма», ПП-3514 от 7 февраля 2018 года «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма», ПП-4095 от 5 января 2019 года «О мерах по ускоренному развитию туристской отрасли». и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации²⁷. Научные исследования, направленные на формирование стратегии развития, повышения эффективности и оптимального управления сферой туризма, повышение ее конкурентоспособности на внешних рынках, совершенствование системы управления проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Stanford University, Princeton University, Harvard University (США), Cambridge University (Великобритания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Korea Development Institute (Южная Корея), Tailors University (Малайзия), Gazi University (Турция), Российском

²⁶Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., №6, ст.70

²⁷Обзор международных научных исследований по теме диссертации рассмотрен на основе веб-сайтов Stanford University, Princeton University (США), Harvard University (США), Cambridge University (Великобритания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), Korea Development Institute (Южная Корея), Gazi University (Турция), Российского экономического университета имени Г.В.Плеханова (Россия), Ташкентского государственного экономического университета и других источников.

экономическом университете имени Г.В.Плеханова, Ташкентском государственном экономическом университете, Самаркандском государственном университете, Самаркандском институте экономики и сервиса, Бухарском государственном университете, Ургенчском государственном университете (Республика Узбекистан).

Исследования по совершенствованию инновационной стратегии управления сферой туризма в условиях глобализации, проведенные во всем мире, привели к ряду научных исследований, включая следующие: разработан механизм повышения конкурентоспособности туристической деятельности на внешних рынках, совершенствован метод интегральной оценки деятельности туристических компаний, дана оценка влиянию организационных изменений, необходимых для оптимизации системы управления (Stanford University, Harvard University, Massachusetts Institute of Technology (США); University of Munster, Германия); обоснованы аспекты удовлетворения потребностей туристов и использования международных стандартов в предоставлении туристических услуг (Korea Development Institute, Южная Корея); определена взаимосвязь между общими доходами в сфере туризма и тенденцией изменения ВВП (Gazi University, Турция), обоснованы социально-экономическое влияние туризма на экономику страны и регионов, теоретические и методические аспекты развития туризма (Самаркандский государственный университет, Самаркандский институт экономики и сервиса, Ташкентский государственный экономический университет, Бухарский государственный университет, Ургенчский государственный университет, Узбекистан).

Проводятся исследования по совершенствованию стратегий повышения эффективности и качества туристических услуг, развития и управления сферой в условиях глобализации, в том числе по следующим направлениям: совершенствование методики повышения эффективности туристических услуг с использованием современных методов менеджмента в туристической отрасли регионов; внедрение соответствующих мировым стандартам классификаций для стандартизации и улучшения качества туристических услуг; совершенствование туристической инфраструктуры; развитие инновационных стратегий привлечения туристов; эффективное применение методов стратегического менеджмента и т.д.

